O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI

QIZILTEPA TUMANI
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
КЫЗЫЛТЕПИНСКОГО РАЙОНА

Manzilgoh: 210400, Qiziltepa tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 43-uy tel.: 555-31-75

"26" октябр 2018 y (г). № 75-10/1519

"Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2019 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси, (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 98-модда*), Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6.25-моддалари *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон*), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 25-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2005 й., 2-сон, 148-модда)*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 05 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 965-сонли карори *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон)* ва Қизилтепа туман ҳокимининг 2018 йил 29 сентябрдаги 01-695-сонли хатига мувофиқ Қизилтепа туманида 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

К А Р О Р К И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага

мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги йигирма нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд 87 та корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича умумий сони 8621 кишини ташкил этганда, шундан ўртача 10,0 фоиз миқдорида – 862 та шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - 2,6 фоиз (23 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун – 82,9 фоиз (713 киши);

сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 3,9 фоиз (34 киши);

ногиронлар ва пенсия олди ёшидаги шахслар учун – 5,4 фоиз (47 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод килинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари кўлланилишидан озод килинган шахслар учун – 4,1 фоиз (35 киши);

одам савдоси қурбонлари учун учун - 0,2 фоиз (2 киши);

ижтимоий муҳофазага мухтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун 0,9 фоиз (8 киши): атрофдагилар учун хафли бўлмаган ижтимоий ахамиятли касалликлар билан огриётган шахслар учун 3 киши, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 5 киши миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиклансин;

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг рахбарларига:

мухтожлар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.12.2017 йилдаги "Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 965-сонли Қарорининг 1-иловаси билан тасдикланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлана олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофик белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мехна мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган мехнат шароитларига мувофик бўлишини таъминлаш;

ташкилотларга мухтожларни иш билан таъминлаш учун йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай квота иш жойлари умумий микдорининг камида 25 фоизини, 2019 йилнинг 10 апрелдан кечикмай иш жойларининг колган кисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд килиб кўйиш) тўгрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд килиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйрук нусхаларини Кизилтепа туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилиши таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ахолини иш билан таъминлаш тўгрисида"ги Конуни 18-моддасига асосан мухтожларга энг кам микдордаги иш жойларини яратиш юзасидан кабул килинган мазкур карорни бажармаганлик учун иш берувчилар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага кўйиш тартиби тўгрисида"ги Низомига асосан мухтожлар учун иш ўринларини захирага кўйиш бўйича туманлар (шаҳарлар) хокимларининг карори бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш ташкилотни захирага кўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини яратиш бўйича мажбуриятдан озод килмаслиги белгиланганлиги инобатга олинсин.

5. Мухтожлар учун банд килиб кўйиладиган иш ўринларини шахар хокими томонидан белгиланган микдордан ортикча ташкил этган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага кўйиш тартиби тўгрисида"ги Низомнинг 25-бандига асосан ногиронлар учун захирага кўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонидан ортикча ногиронлар учун иш ўринлари ташкил этган ташкилотлар конун хужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар хукукига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 20-банди, 4-қисмига асосан ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги Қизилтепа туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан Қизилтепа туман ҳокими қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши таъкидлаб ўтилсин. Корхона, муассаса ва ташкилотлар “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 12-бандида назарда тутилган иш ўринларига қўйилган талаблар асосида муҳтожларни ишга жойлаштириш мажбуриятини олади.

7. Қизилтепа туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ж.Файзуллоев) бир ҳафта муддатда мазкур Қарорнинг иловасида кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказсин ва қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг расмий нашрда эълон қилиниши расмий веб сайтга жойлаштирилиши ва адлия бошқармасига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилишини таъминлаш шаҳар ҳокимлиги бош юрисконсульти Ш.Жамолов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор бажарилиши устидан назорат қилиш Қизилтепа туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ж.Файзуллоев)га юклатилсин.

10. Мазкур карор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Ушбу карор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Н.Ҳайитов зиммасига юклатилсин.

Қизилтепа туман ҳокими **Ш.Ш.Набиев**